

**ДЕПУТАТ СҰРОВИ – ХАЛҚНИНГ
ОВОЗИДИР**

ИННОВАЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК – ЁШЛАР НИГОХИДА

ЯЛДО КЕЧАЛАРНИ ЁРИТГАН РОМАН

ЖУРНАЛИСТ БИЛАН “ЖУРНАЛИСТ”НИНГ ФАРҚИ БОР!

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Мирзо Улуғбек
бобомиз бундан олти
аср муқаддам
инсоният учун
юлдузлар харитасини
яратган эди. Бугун
эса биз ҳозирги
ва келажак
авлодларимиз учун
бахтли ҳаётга олиб
борадиган йўл
харитасини
яратишимиз лозим.




БАТАН учун, **МИЛЛАТ**
учун, **ХАЛҚ** учун!



ASR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

22-yanvar
2026-yil
3 (1 157)



ТИЖОРАТ АҲЛИ – ДАВЛАТ УСТУНЛАРИДАН БИРИДИР

ёҳуд Темурийлар даври ва Янги Ўзбекистонда тадбиркорларга

муносабатнинг ҳайратланарли ўхшашликлари хусусида

Кўп бўлди, деярли
ҳар ҳафтанинг бир
кунини кутубхонада
ўтказаман. Гарчи
мутолаасиз яшолмасамда,
қироатхона руҳи,
у ердаги гўзал муҳит
оҳанрабо янглиғ ўзига
тортаверади. Таомилга
кўра бу гал ҳам телефон
ва унга қўшиб ҳамма
ташвишларни
ташқарида қолдирдим
ҳузурбахш макон —
китоблар қаршисида сирли
қалби билан ёлғиз
қолишни севгувчилар
сафига отилдим.



МУРОЖААТНОМА ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

АҚШнинг “Diplomatic Watch”, Венгриянинг “Helló Magyar”, Покистоннинг “The Diplomatic Insight” ва “Islamabad Post”, Озарбойжоннинг “Trend” нашрлари, “Eurasiamagazine.com”, “Centreline.com”, “Eurasia Review” интернет-нашрлари, “Euronews”, “Associated Press of Pakistan”, “Anadolu” ахборот агентликлари, Германия, Буюк Британия, Испания,

Россия, Хитой, Ҳиндистон,
Япония, Жанубий Корея ва
бошқа кўплаб давлатлар
“ақл марказлари” томонидан
Шавкат Мирзиёевнинг
Мурожаатномаси чуқур
таҳлил этилаётгани,
шу аснода мамлакатимизнинг
ўтган йилларда олиб борган
ички ва ташқи сиёсатиغا
оид ибратли жиҳатларига
объектив баҳо берилганини
кўриш мумкин.

3

Бухоронинг ҳар қадамида ўзгариш, янгилик



2

ИШЧИ ГУРУХ

Бухоронинг ҳар қадамида ўзгариш, янгилик

Янги йил, одатдагидек, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати ходимлари ҳамда парламент куйи палатасидаги партия фракцияси аъзолари учун ҳам кўтаринки руҳда бошлангани сир эмас. Негаки, сийёсий кучнинг Сайловолди дастурида белгиланганидек, “5 мақсад – 500 вазифа” доирасида бир қатор истиқболли лойиҳалар, партия фаолиятига оид янги йўналишлар атрофлича муҳокама қилиниб, вазифалар белгилаб олинди.

Кутилганидек, ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигида ишчи гуруҳ аъзолари Бухоро вилоятида бўлиб, кенг жамоатчилик вакиллари ва сайловчилар билан мулоқот қилди.

Парламент ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларидан иборат гуруҳ томонидан Пешку тумани ва Бухоро шаҳрида олиб борилган ўрганишлар давомида фермерлар, тадбиркорлар, саноат, экспорт ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари, хорижий корхоналар, иқтисодий ва саноат зоналари масъуллари, шунингдек, аҳоли ва партия фаоллари иштирокида 10 та учрашув ўтказилган бўлса, уларда 300 дан ортиқ иштирокчи қамраб олинди.

Масалан, 15 январда Пешку туманида жойлашган “Бухоро сервис агрокластер” МЧЖ ҳудудида ғалла майдонларида экинларни замонавий усулларда озиклантириш бўйича амалий семинар ташкил этилди. Тадбирда асосий мавзу – Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида иқтисодиёт ва аграр соҳага оид белгилаб берилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Жумладан, айна шу кунларда вилоятнинг айрим туманларида ғалла майдонларида экинлар ривожини даст экани қайд этилиб, мутахассислар томонидан ушбу ҳолатни бартараф этиш учун кўшимча озиклантириш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, агротехник тадбирларга қатъий риоя қилиш зарурлиги таъкидланди.



Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Пешку тумани Хўжашеку қишлоғида жойлашган “Peshku Agroklastar Yog'-Mo'y” МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишди. Маълум бўлишича, 2022 йилда ташкил этилган бу корхонада бугунги кунда 120 нафар маҳаллий аҳоли вакили доимий иш билан таъминланган бўлиб, шундан 30 нафари хотин-қизлар, 70 нафари ёшлар, қолган қисми муҳандис-техник ходимлардан иборат.

“Бухоро агрокластер” пахта-тўқимачилик кластери МЧЖ таркибидagi ушбу корхонада йилига 50 минг тонна чигит қайта ишланиб, 11 минг тонна сифатли ёғ, 29 минг тонна шрот ва 20 минг тонна шелуха ишлаб чиқарилмоқда. Корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, тайёр маҳсулотлар Афғонистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Учрашувлар давомида ишлаб чиқариш жараёнларини янада модернизация қилиш, экспорт ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўрганишлар доирасида ишчи гуруҳ тумандаги “Пешку” МФЙ ҳудудида Инобат Нарзиева раҳбарлигида фаолият юритаётган миллий ширинликлар ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фаолиятини кўздан кечиришди. Эътиборли жиҳати, бу ерда ишлаб чиқариш жараёнлари замон талабларига мос равишда йўлга қўйилган бўлиб, кунига 1000 донадан ортиқ торт ва ширинликлар, 5000 га яқин турли тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Асосийси, цехда шу маҳалланинг 20 нафардан ортиқ хотин-қизлари доимий иш билан таъминланган. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларни ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишчи гуруҳ Бухоро туманида фаолият кўрсатаётган партиямиздан сайланган маҳаллий кенгаш депутати, моҳир ҳунарманд Акмал Мухитдинов раҳбарлик қилаётган “Наҳшбанд” ҳунармандчилик марказида бўлишиб, бу борада олиб борилаётган ибратли ишларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлатимиз томонидан миллий ҳунармандчиликка оид яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида сўзлаб беришди.

Сафарнинг эртаси кун эса Бухоро давлат университетида давлатимиз раҳбарининг тарихий аҳамиятга моли Мурожаатномасидан келиб чиқадиган O'zLiDeP олдидagi вазифаларга бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Унда талаба ёшларни ҳар томонлама камол топтириш,

қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ мавзуда мулоқот ташкил этилди. Шундан сўнг халқ таъботини ривожлантириш, фермер хўжаликларини сув билан таъминлаш, солиқ тарифларини қайта кўриб чиқиш, сув ҳисоблагичларини жорий этиш, шунингдек, тадбиркор аёлларни партия сафига жалб этиш бўйича қатор амалий таклифлар ўртага ташланди.

Бухоро шаҳридаги “Энергомарказ” АЖ ҳамда “Садриддин Айний” номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан учрашувда аҳолини электр таъминоти ҳамда иссиқлик билан таъминлаш, ободонлаштириш ишлари, ижтимоий хизматлар сифати, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари ўрганиб чиқилди.

Мулоқот доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 306-сонли қарори (2023 йил 22 декабрдаги 677/16-сонли қарор таҳририда) ижроси доирасида Бухоро шаҳрида “Марказлашган иссиқлик таъминотини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси билан танишилди. Ушбу йирик инфратузилмавий лойиҳа шаҳар аҳолисини сифатли ва барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлаш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга қаратилгани билан аҳамият касб этади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 24,7 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 22,62 млн АҚШ доллари Жаҳон банки кредит маблағлари, 2,08 млн АҚШ доллари эса солиқ имтиёзлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Лойиҳа доирасида замонавий, илғор энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш жараёнларини тўлиқ модернизациялаш, шунингдек, кўп қаватли уй-жойларда ва ижтимоий соҳа объектларида ҳисоб-китоб ва назоратнинг замонавий тизимларини жорий этиш асосий мақсад этиб белгиланган.

Шунингдек, электр энергияси ва табиий газ истеъмолини камайтириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар, хусусан, карбонат ангидрид (углерод диоксида) гази чиқиндиларини 30 фоизгача қисқартириш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатга кўра амалга оширилаётган муҳим

(1–3-лотлар) 97 фоиз, “Build Zone” МЧЖ (2,5,6-лотлар) 80 фоиз, “Discover Elite” МЧЖ (4-лот) 88 фоиз бажариш кўрсаткичларига эришган. Айни пайтда 198 та кўп қаватли уйларда ишлар олиб борилмоқда ва умумий режани бажариш даражаси 88 фоизни ташкил этмоқда.

Қозонхона модернизацияси лойиҳанинг энг муҳим



босқичларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда Россиянинг “VAPOR” компанияси ва Ўзбекистондаги “Spets Polymer Montaj Sanatsiya” МЧЖдан иборат консорциум пудратчи сифатида фаолият олиб бори. Шартнома қиймати 7,7 млн АҚШ долларини ташкил этди. Қозонхонада модернизация ишлари тўлиқ якунланиб, ҳар бири 20 МВт қувватга эга бўлган 5 та замонавий сув иситиш қозонлари ўрнатилди. Умумий қуввати 100 МВт бўлган ушбу тизим насос хўжалиги ва сувни юмшатиш технологияларининг янгилиниши, барча ёрдамчи ускуналарни ўрнатиш ҳамда ишга тушириш-созлаш ишлари билан тўлиқ таъминланди.

Учрашувда қозонхонани барқарор электр таъминоти билан таъминлаш мақсадида 10/0,4 кВ ташки электр таъминоти ишлари ҳам амалга оширилаётгани таъкидланди. Қиймати 2 млрд 559 млн 367 минг 799 сўм бўлган ушбу шартнома доирасида “Термез Тезкор Инвест” МЧЖ томонидан 2 та 2000 кВАли трансформатор ўрнатилди, юқори кучлинишли электр кабеллари “Стрелков” подстанциясигача тортилди. Бажарилиш даражаси айна пайтда 85 фоизни ташкил этмоқда.

Лойиҳа доирасида махсус техника ва техник хизмат кўрсатиш воситаларини харид қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш бўлиб, қиймати 0,6 млн АҚШ доллари бўлган ушбу йўналишда Хитойнинг Decem Co. Ltd., Xinjiang Lirenhe Trading Co., Ltd. компанияларидан иборат консорциум пудратчи сифатида иштирок этди. Натижада авария хизмати учун транспорт воситалари, юк автомашиналари, ер ости иссиқлик тармоқларидаги йўқотишларни аниқловчи кўчма лаборатория, юк кўтарувчи машина, экскаватор-юклагич, трактор, электр ва газ пайвандлаш ускуналари, пайвандлаш ишлари учун кўчма генератор, моторли насос, компрессор, фавкулудда вазиятларни назорат қилиш хизмати ходимлари учун кичик ўлчамли автобус ҳамда барча техника учун эҳтиёт қисмлар тўплами тўлиқ етказиб берилди.

Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар қаторида Бухоро шаҳрида кўшимча индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, RFQ-DH-02AD-BEM лойиҳаси асосида шаҳар ҳудудида 9 та янги индивидуал иссиқлик пунктларини барпо этиш режалаштирилган. Ушбу йўналишдаги ишлар учун 224 минг 800 АҚШ доллари миқдоридида шартнома тузилган бўлиб, пудратчи сифатида “Far-Tip Garant Montaj” МЧЖ жалб этилган. Айни кунга қадар 6 та индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш ишлари якунига етказилмоқда ва умумий бажарилиш даражаси 80 фоизни ташкил этмоқда. Қолган ишлар ҳам белгиланган график асосида давом эттирилмоқда.

Қувонарли жиҳати, амалга оширилган модернизация ишлари ишлаб чиқарилаётган иссиқлик энергиясининг таннархини ўртача 30 фоизга камайтириш имконини бермоқда. Бу эса тизимнинг молиявий барқарорлигини таъ

минлаб, аҳоли учун хизмат нархларининг асоссиз ошишига чек қўяди. Шу билан бирга, иссиқлик тармоқларининг эксплуатация муддати 30 йилгача узайтирилиб, келгуси йилларда катта таъмирлаш харажатларининг олди олинади.

Лойиҳанинг экологик самараси ҳам алоҳида эъти-

борга лойиқ. Хусусан, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш натижасида атмосфера қатламига чиқариладиган карбонат ангидрид миқдори йилига 2,8 минг тоннага қисқармоқда. Бу кўрсаткич шаҳар экологиясини яхшилаш, ҳаво сифати ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Қолаверса, ишлаб чиқарилган, иссиқлик тармоқларига узатиш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини тўлиқ қамраб олган самарали ҳисобга олиш тизими жорий этилмоқда. Кўп қаватли уйларда умумий иссиқлик энергияси ҳисоблагичларининг ўрнатилиши орқали истеъмол устидан шаффоф назорат таъминланиб, йўқотишлар қисқариб бормоқда. Аҳоли учун адолатли ҳисоб-китоб тизими шаклланиб, Бухорода иссиқлик таъминотини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташқи қарз масаласи жамоатчилик орасида турлича баҳоланмоқда. Айримлар уни иқтисодий хавф деб ҳисобласа, бошқалар тараққиёт учун зарур восита сифатида кўради. Аслида эса муаммо қарзнинг ўзида эмас, балки уни қайси мақсадда ва қандай самара билан ишлатилаётганидadir. Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган марказлашган иссиқлик таъминотини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаси ушбу масалага аниқ, ҳаётий ва ишончли жавоб бўла олади. Йиллар давомида Бухоро шаҳридаги иссиқлик таъминоти тизими эскирган, энергияни кўп йўқотувчи ускуналар асосида ишлаб келган. Қиш мавсумларида аҳоли иссиқлик билан боғлиқ муаммоларга тез-тез дуч келар, табиий газ, электр энергияси ва сув каби қimmat ресурслар самарасиз сарфланар эди. Янги лойиҳа айнан шу муаммоларни бартараф этишда ечим бўлиб хизмат қилмоқда.

Лойиҳанинг яна бир эътиборли жиҳати – ер ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Илгариги қозонхона фаолияти учун 8,5 гектар ер майдони талаб этилган бўлса, янги технологиялар ихчам ва замонавий бинода жойлаштирилди. Натижада катта ҳудуд бўшаб қолди. Корхона жамоаси ташаббуси билан ушбу ҳудуднинг 2,5 гектаридида замонавий иссиқхона барпо этилди. У ерда лимон кўчатлари екилиб, жорий йилда тўлиқ ҳосилга кирди. Мазкур ташаббус ишчилар жамоаси учун кўшимча даромад манбаига айланиши кутилмоқда.

Бейхитёр савол туғилади: ҳўш, нима учун бундай кенг қўламдаги ишлар 20–30 йил аввал амалга оширилмади? Кўп ҳолларда бунга жавоб битта бўлган – қарз олишдан кўрқиб. Аммо вақт кўрсатадики, ҳаракат қилмаслик, янгилинишдан тийилиш ҳам ўз-ўзидан катта иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларга олиб келган. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган давлатлар инфратузилма, энергетика, таълим ва тиббиёт соҳаларини айнан ташқи инвестиция ва кредитлар орқали юксалтирган.

Ўзбекистонда сўнгги 8–9 йилда амалга оширилган ислохотлар ҳам бир ҳақиқатни тасдиқламоқда: ташқи қарз тўғри ва оқилона йўналтирилса, у юк эмас, балки тараққиётнинг кучли драйверига айланади.

Хулоса қилиш айтар, Бухоро шаҳридаги иссиқлик таъминоти лойиҳаси бир нарсани яққол кўрсатади – қарз мақсад эмас, балки восита. У орқали аҳоли учун қулайлик яратиш, ресурсларни тежаш, атроф-муҳитни асраш ва барқарор иқтисодий самарага эришиш мумкин. Энг муҳими, бу ўзгаришлар ҳисоботларда эмас, балки одамларнинг кундулик ҳаётида яққол сезилмоқда. Демак, танланган йўл тўғри ва у келажакка хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, мазкур лойиҳа Бухоро шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан янгилаш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, энергия тежамкорлик ва экологик барқарорликни таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлмоқда. Лойиҳа тўлиқ якунланган, шаҳарнинг иссиқлик таъминоти янада ишончли, тежамкор ва замонавий талабларга жавоб берадиган тизимга айланиши шубҳасиз.

Ўрганишлар якунида корхона, ташкилот ҳамда маҳалла фаоллари билан ҳам очиқ мулоқотлар ўтказилиб, мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш механизмлари ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбирлари



МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЕХНОЛОГИК ВА ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН СТРАТЕГИЯ

Мурожаатнома дунё жамоатчилиги эътиборида

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси, қолаверса, ушбу ҳужжат асосида ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда “regulation.gov.uz” сайтида муҳомамага қўйилган 2026–2030 йилларга мўлжалланган ва янги самарадорлик кўрсаткичларини ўзида акс эттирган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳаси нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки дунё жамоатчилигининг ҳам диққатини ўзига тортаётгани эътиборга лойик.

Масалан, АҚШнинг “Diplomatic Watch”, Венгриянинг “Helló Magyar”, Покистоннинг “The Diplomatic Insight” ва “Islamabad Post”, Озарбойжоннинг “Trend” нашрлари, “Eurasiamagazine.com”, “Centreline.com”, “Eurasia Review” интернет-нашрлари, “Euronews”, “Associated Press of Pakistan”, “Anadolu” ахборот агентликлари, Германия, Буюк Британия, Испания, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб давлатлар “ақл марказлари” томонидан Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси чуқур таҳлил этилаётганлиги, шу аснода мамлакатимизнинг ўтган йилларда олиб борган ички ва ташқи сиёсатига оид ибратли жиҳатларига объектив баҳо берилганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Венгриянинг “Helló Magyar” нашрида эълон қилинган таҳлилий мақолада, Ўзбекистон дунёдаги мураккаб геосийсий вазиятга қарамасдан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга муваффақ бўлган давлатлардан бири сифатида эътироф этилади ва бу мамлакат ўз тарихида илк бор ЯИМ даражасини 145 млрд АҚШ доллари даражасига олиб чиқа олганига урғу берилиб, буларнинг барчаси мамлакатда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг натижаси сифатида баҳолайди.

АҚШнинг “Diplomatic Watch” журнали эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Мурожаатномаси асосида ишлаб чиқарилаётган янгиланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тайёрлашда фақат мутахассислар эмас, кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этаётганига алоҳида урғу беради ва аҳолининг ҳаёти яхшиланиши бош мақсад қилиб қўйилган ушбу муҳим стратегик ҳужжатнинг ишлаб чиқиши очик муҳокамалар ва фикр билдириш тартибиде амалга оширилаётганлиги унинг жамиятни ривожлантиришнинг реал воситасига айлантириши аниқлигига урғу беради.

“Eurasiareview.com” нашри ҳам “Таҳририйат фикри” руқни остида “2025 йил Янги Ўзбекистон йили бўлди” сарлавҳаси остида катта таҳлилий мақола эълон қилган ва унда бошқа бир жиҳат, яъни Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати билан боғлиқ муваффақиятларига урғу бериб ўтिलाди. Жумладан, мақолада “мамлакат дунёнинг барча қисмларида ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш орқали ниҳоятда муваффақиятли ташқи сиёсатни шакллантира бoшлаганлиги”, “Ўзбекистон бугунги кунда АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи, Туркия, Яқин Шарқ ва бошқа давлатлар ҳамда минтақаларнинг эътибор марказида турганлиги, ушбу йирик ўйинчиларнинг ҳар бири жаҳонда тобора инкирози ҳолатлар кенгайиб бораётган бир паллада ботун дунёда ҳақиқий ишончли ҳамкор сифатида ишонч қозона олган Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга ҳаракат қилаётган”ига алоҳида урғу беради.

Бу каби ижобий баҳолар юқоридека тилга олинган бошқа нуфузли нашрларда ҳам келтирилган. Таъкидлаб ўтиш кераки, дунё жамоатчилиги ўртасида ҳамда қатор ташкилий марказларда ушбу Мурожаатномага ҳолисона муносабат билдириш, Президент маърузасини таҳлил қилиш натижаларини эълон қилиш давом этмоқда.

Катта эътибор ёки рақамлар ортида нима турибди?

Хўш, мамлакат раҳбарининг Мурожаатномасига нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон жамоатчилиги, сиёсий, иқтисодий доиралари томонидан катта қизиқиш билдирилаётганлиги замирида нималар турибди?

Фикримизча, аввало, Марказий Осиёнинг энг йирик давлати яқин ва ўрта келажакда ўзи учун қандай ривожланиш истиқболларини белгилаб олаётганлиги, албатта, бугун Ўзбекистонга қизиқиш билан қараб турган халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини тортишга табиий ҳол.

Иккинчидан, **Ўзбекистоннинг амалда ўз тараққиётидаги янги сифат даражасига – технологик-инновацион ривожланиш босқичига ўтаётганлиги**, мамлакатнинг кейинги ривожига доир мутлақо янгилаб ёндашувлар, илгари бўлмаган даражада маъҳабати ва кенг қамровли мақсад ва режалар белгилаб олинганлиги ҳам “ақл марказлари”нинг эътиборини тортмасдан қолмади.

Айниқса, Мурожаатномада таъкидланганидек, қисқа муддатда, яъни 2030 йилгача мамлакат иқтисодиёти ҳажмини 240 млрд доллардан оширишдек жуда улкан вазифа қўйилмоқда. Ваҳоланки, дастлаб қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида бу кўрсаткич 160 млрд долларга тенг эди.

Демак, шунинг ўзидек Ўзбекистон иқтисодиёти қандай тезлик билан ўсиб бораётгани ва мамлакат ўз олдида қанчалик улкан вазифани белгилаб олаётганлигини кўрсатади. Асосийси, мазкур кўрсаткичлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Балки жуда жиддий асосларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, юртимизнинг ўтган йиллар ичида босиб ўтган тараққиёт йўли бугун шундай катта мақсадларни қўйишга етарлича асос яратди. Ушбу прогнозларни Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли экспертлар тасдиқлагани ҳам мазкур кўрсаткичларнинг пишиқ-пухта ишлаб чиқилганлигидан далолат беради.

Энг муҳими, ана шундай натижаларга эришиш орқали Ўзбекистон яқин йилларда ўз тарихида илк бор даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган мамлакатлар сифатини қўй олиши ҳисобланади.

Хўш, ривожланишининг мазкур даражасига ўтиш Ўзбекистон учун нимани аниглади?

Аслида, Президентимиз қисқа сатрларда ифодалаган ушбу мақсад иқтисодиётдаги навбатдаги микдорий ўсишигига аниқлаштириб, нафақат иқтисодиётда, балки жамиятда жуда чуқур ижобий ўзгаришларга олиб келадиган концептуал янгилашниларни ўзида мужассам этади. Ушбу ўзгаришлар мамлакатнинг дунёдаги янги қиёфаси ва даражасини шакллантиришга тўғридан-тўғри таъсир қилади. Даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган давлатларга дунёдаги йирик инвесторларнинг муносабати ўзгаради, бундай мамлакатлар бозорларида янги инвесторлар баробарида йирик халқаро компанияларнинг қизиқиши ортади.

Бу мамлакатлар иқтисодиётининг хусусияти ўзгара бориб, улар иқтисодиёти учун фақат микдор ва сон жиҳатдан ўсишга асосланган ўсиш эмас, сифат жиҳатдан ўзгаришларга асосланган ўсиш асосий мақсадга айланади, ишлаб чиқариш умумдорлиги, инновация ва технологиялар, бошқариш сифати, юқори қўшимча қийматли экспорт, инсон капитали каби кўрсаткичлар биринчи ўринга чиқади.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда тараққиётнинг ушбу даражасига чиққан давлатларда ижтимоий соҳага, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш, шаҳар инфраструктураси, экология ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш сифатига қўйиладиган талаб кучаяди.



Бахтиёр ЯКУБОВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Буларнинг барчаси охир-оқибат жамиятнинг қиёфасини ўзгартиради. Аҳоли таркибида ўрта қатламнинг улуши тобора кенгайиб, камбағаллик даражаси камаяди, аҳолининг харид қуввати ошиб, сифатли таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш, уй-жой сотиб олиш ва дам олиш имконияти ошиб боради.

Шуларнинг ўзидек мазкур Мурожаатномада аниқ белгилаб берган мақсад – даромади жон бошига ўртадан юқори давлатлар қаторига киришга эришиш ортида қандай кенг кўламли ўзгаришлар, аввало, иқтисодиётни, умуман жамиятни, фуқароларнинг фаровонлик даражасини ўзгартириб юборишга қодир янгилашнилар турганлигини тушуниб олишга асос бўлади.

Албатта, бундай ўзгаришлар охир-оқибатда инсонларнинг ҳаётдан розилигини оширишга хизмат қилади. Ваҳоланки, айнан шу мақсад кейинги тўққиз йилда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил қилади, десак муболага бўлмайди.

Кўряпсизми, маслак аниқ, Муҳими, ушбу улуғвор мақсадни амалга ошириш узоқ муддатларга белгиланган орзу эмас, балки 2030 йилгача амалга оширилиши керак бўлган аниқ стратегик йўл сифатида белгилаб берилганлигидир.

Тараққиётнинг технологик-инновацион ўсиш моделига ўтиш

Хўш, қандай омиллар ҳисобига Ўзбекистон қисқа муддатда бундай катта вазифани удаламоқчи? Мурожаатноманинг асосий нуқтаси қерда?

Мамлакатимиз ўз олдида қўяётган катта мақсадларга нисбатан қисқа муддатда эришиш фақатгина иқтисодиётнинг аънавий йўналишларида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирмунча қийин, албатта. Шундай мураккаб бир шaroитда мамлакат раҳбари эзгу мақсадларга эришининг бирдан-бир йўлини Мурожаатномада аниқ кўрсатиб берди – **Ўзбекистон иқтисодиётини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш**. Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини ушбу ўсиш моделига ўтказиш келгуси йилларда давлатимиз иқтисодий тараққиёт стратегиясининг асосий йўналиши сифатида белгиланди.

Технологик ва инновацион ўсиш модели – бу иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида тизимли равишда янги технологиялар, билимлар ва инновацияларни яратиш, жорий қилиш, шу орқали юқори технология иқтисодиётни шакллантиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириб боришга, узоқ муддатли барқарор ривожланиш таъминлашга асосланувчи иқтисодий модель ҳисобланади. **Бундай тараққиёт моделида** ривожланиш, аввало, **инсон капитали, илм ва инновацияларга инвестициялар киритиш** ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ушбу модельга ўтиш инновациялар ва технологияларнинг иқтисодий ўсишининг асосий генераторига айлантириб, мамлакатга узоқ муддатли иқтисодий ўсиш истиқболларини таъминлаб беради, янги маҳсулотлар яратилиши асосида халқ ҳўжалигида замонавий йўналишларнинг, қолаверса ушбу маҳсулотлар атрофида янги бозорларнинг вужудга келишига, маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошишига туртки беради. Қолаверса, янги технологик даражадаги ишлаб чиқариш унда ишлаб оладиган юқори малакали ишчилар сонининг ошиб боришига, демакки, таълим тизимининг мутлақо янги талаблар асосида қайта қурилишига, сифат жиҳатидан тақомиллашиб боришга ўзига ҳо драйвер вазифасини бажаради.

Шу ўринда **Ўзбекистон ўзи учун белгилаб олаётган янги ўсиш модели бевосита “Индустрия 4.0” ёки бошқа айтганда, “Тўртинчи саноат инқилоби” талаблари билан бевосита боғлиқ** эканини ҳисобга олсак, Мурожаатномада илгари сурилган вазифа амалда мамлакат иқтисодиётини тизимли равишда “Тўртинчи саноат инқилоби” талаблари даражасига мослаштиришни ҳам аниқлаштиришни тушуниш қийин эмас.

Мамлакат иқтисодиётига бундай замонавий ёндашувларнинг кириб келиши нафақат мамлакат иқтисодиёти ҳажмини белгиланган 240 млрд доллар даражасига олиб чиқиш, балки яқин ички маҳсулот таркибини ўзгариштиришга, унда юқори қўйилган қийматли инновацион маҳсулотлар улушининг ошишига, ишчи кучи сифат таркибининг ўзгаришига ва қатор бошқа ижобий ўзгаришларига асос яратади.

Мурожаатноманинг муҳим жиҳати, унда фақатгина мамлакатнинг технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтиши зарурлигини асослаш билан чекланилмаган, балки бу йўлда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар доираси ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Жумладан,

- **эркин иқтисодий зоналарга дунёнинг машҳур брендларини жалб қилиш;**
 - **янги технологик босқичга ўтиш ва қўйилган қиймат занжирини кенгайтириш бўйича саноатни ривожлантириш дастурини амалга ошириш;**
 - **саноатда “унумдорлик ва самарадорликни икки қарра ошириш” дастурини бошлаш;**
 - **бизнес жараёнларини рақамлаштириш, илғор технологиялар трансферини амалга ошириш;**
 - **маҳсулотлар рақобатбардошлилигини ошириш учун техник тартибга солиш мақсадида “Давлат назорати” тизимидан халқаро тажрибада юқори самара берган “Бозор назорати” тизимига ўтишда муҳим бўлган аниқ йўналишлар белгилаб берилди.**
- Ушбу вазифаларнинг барчаси бажарилиш муддатлари билан янгиланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ўз аксини топади.
- Эътиборни тортадиган муҳим жиҳатлардан яна бири “Тўртинчи саноат инқилоби маркази” ташкил этилиб, унинг негизиде робототехника, интернет буюмлари, “ақли фабрика” каби “Индустрия 4.0” ечимларини саноат корхоналарида жорий этиш учун “тартибга солиш механизмлари” яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигидир. “Индустрия 4.0”нинг ўзи бугун ўз келажagini уйлаган дав-

латлар жуда катта эътибор билан қараётган масалалардан бири ҳисобланади.

“Тўртинчи саноат инқилоби” терминини илмий доираларга киритган Давос халқаро иқтисодий форуми асосчиси ва раҳбари К. Шваб ушбу жараёнлар дунё иқтисодиётининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириб юбoрувчи жуда катта кучга эга эканини таъкидлайди. К. Шваб фикрича, “Тўртинчи саноат инқилоби” билан боғлиқ трансформация жараёнларида иқтисодиёти катта ёки кичиклигидан қатъий назар, ушбу ўзгаришларни тезроқ ўзига жорий эта олганлар ғолиблар сифида бўлади.

Мана шу фикрларнинг ўзидек Ўзбекистон Президенти Мурожаатномада мамлакат иқтисодиётини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, унинг доирасида “Тўртинчи саноат инқилоби” технологияларини ишлаб чиқаришга жорий эта бoриш тизимини шакллантириш масалаларини давлат ва жамият олдидаги энг муҳим вазифалар қаторида қўйганлиги замирида узоқни кўзлаб илгари сурилган стратегик қараш ётганини яна бир бор исботлайди.

Комплекс ёндашув ва ўтган йиллар тажрибасига таянган ташаббус

Мурожаатномада олтига йўналишда устувор вазифалар илгари сурилган бўлса, ҳар бир йўналиш бўйича мутлақо ўзгача ёндашувлар илгари сурилгани ва уларнинг бир-бири билан ахлит равишда ягона ёндашув ташкил қилганини кўриш мумкин.

Хусусан, учинчи устувор йўналиш бўлмиш ички бозорда талабни рағбатлантириш йўналишида **сервис соҳасини иқтисоднинг “драйвери”га айлантириш**, тўртинчи устувор йўналиш доирасида қосблар ривожлантириш ва **янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш**, бешинчи устувор мақсад доирасида илгари сурилган **“яшил энергетика” ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш** каби вазифалар бунга яққол мисол бўла олади. Уларнинг бу тарзда белгиланиши нафақат халқ ҳўжалигининг тегишли йўналишларини янги даражага олиб чиқишда муҳим роль ўйнайди, балки ушбу вазифалар Ўзбекистон ўз олдида қўяётган янги марра – технологик ва инновацион ўсиш моделининг ажралмас қисмлари ҳам ҳисобланади. Мана шундай комплекс ёндашув мамлакатимизнинг технологик ўсиш моделига ўтиш йўлининг хусусиятларини белгилла беради.

Яна бир муҳим жиҳат – Ўзбекистонда ривожланишининг ушбу моделига ўтиш фикри бирданига бугун шаклланиб қолгани йўқ. Балки Мурожаатномада мазкур ғоянинг илгари сурилиши асосида Ўзбекистонда ўтган тўққиз йил давомида қўлга киритилган ютуқлар, барча соҳаларда қўлга киритилган натижалар турлиб, десак муболага бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам бирор бир иқтисодиёт агар ҳар томонлама тайёр бўлмаса бундай чуқур трансформацияни амалга ошира олмайди. Ўзбекистоннинг ўтган йиллардаги тараққиёт йўли бугунга келиб ана шундай чуқур ўзгаришларни амалга ошириш пойдеворини яратди.

Буни Мурожаатномада келтирилган қуйидаги фикрда ҳам кўриш мумкин: **“Сўнги тўққиз йилда биз сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Иқтисодиётимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтирдик, қонун устуворлигини таъминладик. ...Бир суз билан айтганда, биз ислохотларни аниқ амалий натижаларга айлантиришни ўргандик”**. Ислохотларнинг ҳозирги даражасини баҳолар экан, Шавкат Мирзиёев: **“Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Бу йўлдаги ишларимиз ҳар бир соҳа тармоқда чуқур трансформацияни талаб қилади”**, дея таъриф берди.

Демак, айнан ўтган тўққиз йилдаги аниқ мақсадли ислохотлар уни бугунги ҳал қилувчи босқичга олиб чиққанлигини кўрсатиб турибди.

Ўтган йиллар мамлакат иқтисодиётини, бошқарув тизимини ва умуман жамиятни тараққиётнинг мутлақо янги сифат даражасига – технологик ва инновацион ривожланиш босқичига ўтиши учун ўзига ҳо асосини шакллантирди, деб бемалол айта оламиз.

Масалан, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига келган илк даврданоқ дунёнинг келажак тараққиёт траекториясини аниқ прогнозлаш асосида 2018 йилни Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилганлиги ва йил дастуриде келажакни кўзлаб қарб қатор муҳим йўналишлар акс эттирилганлиги, 2020 йил қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси, 2024 йил 14 октябрдаги “Сўнги интеллектуал технологияларни 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 2024 йил 14 майдаги “Ҳудудларда ёшларга рақамли технологиялар ва хорижий тилларни ўрганиш учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган “IT-шаҳарча”лар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ва кўплаб бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда рақамли технологияларга асосланган янги ёндашувларни жорий қилиш учун зарур ҳуқуқий асосларни яратиб берди ва улар асосида кенг кўламада бугунги кун учун энг долзарб бўлган йўналишларда тизимли ишларнинг амалга оширилиши учун асос яратди.

Давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар

Технологик-инновацион ўсиш моделига ўтиш давлат бошқаруvidан нафақат ўзининг янги технологик даражага мослашишини, балки ушбу модель қатор топшии учун зарур шароитларни яратишда ташаббускор бўлишини талаб қилади.

“McKinsey” агентлиги таҳлилчилари инновацион жараёнларнинг муваффақиятли боришида бевосита давлат иштирокига боғлиқ бўлган бешта омилни кўрсатиб ўтишади. Улар қаторида давлатнинг инновациялар буюртмачиси сифатида майдонга чиқиши, инновациялар учун зарур инфраструктурани шакллантиришдаги фаоллиги, инновацион ишлаб чиқаришни молиялаштиришдаги, янги малакалар яратишдаги ўрни, жамиятда инновацион маданиятни шакллантиришдаги аҳамияти каби омиллар ўрин олган.

Ўтган тўққиз йилнинг таҳлили Ўзбекистонда давлат бошқаруvidини янги давр талабларига мослаш борасида амалга оширилган тизимли ишлар нафақат ушбу, балки бошқа йўналишларда ҳам давлатнинг фаол иштирокини кўрсатади.

Хусусан, 2020 йилда қабул қилинган “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун билан инновацияларга давлат буюртмачисини шакллантириш, инновацион фаолият учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш ва бошқа масалаларда давлатнинг ролини белгилувчи нормалар белгилаб қўйилди.

Давлат раҳбари фармони билан Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Инновацион ривожланиш стратегияси тасдиқланди. Унинг асосида инновацион технопарклар, венчур капитал тузилмалари, акселераторлар ва инкубаторларлар тизимининг шакллантирилди, инсон капиталини ривожлантириш, таълимнинг

барча босқичларида инновацион маданиятни жорий этиш, кичик ва ўрта бизнеснинг инновацион фаолиятини кенгайтириш йўналишларида Ўзбекистонда ўзига хос тизим яратилди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Миллий стратегияси эса телекоммуникация ва давлат хизматларидан тортиб, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларигача рақамли технологияларни жорий этиш учун асос яратди.

Хукумат инфратузилмани ривожлантиришга, жумладан, маълумотлар марказларини қуришга, суд ва тиббиёт соҳаларида сўний интеллект тизимларини жорий этишга, давлат хизматларини автоматлаштиришга ва рақамли платформалар орқали шаффофликни оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақамли трансформация нафақат технологик янгилишни, балки давлат институтларини мустаҳкамлашга, бошқарув самарадорлигини оширишга ва фуқаролик ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Президентимизнинг тегishi фармон ва қарорлари билан инновацион фаолиятни молиялаштириш, зарур институционал инфраструктура ва экотизимни шакллантириш, инсон капитали раванқини таъминлаш каби йўналишларда ҳам давлатнинг ўрнини белгилувчи асослар яратиб берилди.

Албатта, ушбу ҳуқуқий ва ташкилий асослар ҳамда улар асосида ўтган йиллар давомида амалга оширилган тизимли ишлар Ўзбекистоннинг бугунги кунда ўз тараққиётида, мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, ҳал қилувчи босқичга чиқишига асос яратди.

Мурожаатномада эндиги босқичда давлат бошқаруvidи, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишни янги даражага олиб чиқиш борасида аниқ вазифалар белгиллаб берилган.

Давлат бошқаруvidи билан бир қаторда мамлакат ҳаётида фуқаролик жамиятнинг ўрнини бундан кейин ҳам тизимли равишда ривожлантириб бoриш мақсадида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича беш йиллик стратегия ишлаб чиқиш, суз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш устувор вазифа сифатида сақлаб қолиниши ислохотларнинг мазкур даври учун устувор вазифалар қаторида белгиланди.

Гувоҳи бўлганимиздек, давлат бошқаруvidи тизимини янги талаблар даражасига мослаштириш борасида ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар мамлакатни ўз тараққиётида технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш ҳақиқатда комплекс характер касб этганлиги ва барча йўналишлар қамраб олинганлигини кўрсатади.

Миллий бирлик зарурати

Ўзбекистоннинг бугун ўз олдида қўяётган янги марралар миқёси ҳам, Ватанимиз келажаги учун аҳамияти жиҳати ҳам илгари бу даражада кенг бўлмаган. Айтиш мумкинки, булар жуда улкан мақсадлардир. Ушбу марраларга эришиш келажакда Ўзбекистоннинг дунё сиёсати ва иқтисодиётидаги муносиб ўрнини белгилайди. Шунинг учун ҳам бу борада давлат ва фуқаролик жамиятининг яқин ҳаракати, халқимизнинг ягона мақсад атрофида бирилашми ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Негаки, Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, **“...биз учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниҳоятда муҳим ва зарурдир”**.

Ана шу муҳим ҳаётий заруратни англаш, олдимизда турган муҳим довоиларга эришишда маҳалларнинг ролидан келиб чиқиб, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланишида ҳам катта маъно ва мазмун бор, албатта.

Ўзбекистон ўз олдида қўйган улуғвор мақсадларни амалга ошириш шу жамиятнинг барча бўғинларидан, жумладан, сиёсий партиялардан ҳам бу жараёнларда фаолликни талаб қилади.

Энг аввало, ўз тараққиётида технологик ва инновацион ўсиш даврига қираётган жамият сиёсий кучлардан, биринчи навбатда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар учун масъулиятни зиммасига олган етакчи – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан ўз фаолиятини ушбу даражага мослашни талаб қилади. Фаолиятимизга дунёнинг ривожланган партиялари каби “е-партия” асосларини жорий қилиш, ташкилий ишлардан тортиб, аҳоли билан мулоқотга киришиш тизимигага рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини киритиш, O'zLiDePдан сайланган депутатлик корпуси ва партия фаолларини янги давр талаблари даражасида ишлаш қўнимчаларини шакллантириш ва бошқа қатор масалалар ушбу сиёсий кучнинг келажакда ҳам мамлакатдаги етакчи партия сифатида фаолият юритишида ниҳоятда муҳим ўрин тутувчи масалаларга айланмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон Президентини томонидан қўйилаётган муҳим вазифа – глобал ўзгаришлар даврида миллий бирлиқни таъминлаш масаласи, албатта, O'zLiDePдан ҳам ўз мафқуравий қ

ТИЖОРАТ АҲЛИ – ДАВЛАТ УСТУНЛАРИДАН БИРИДИР ЁҲУД ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ЎХШАШЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

Кўп бўлди, деярли ҳар ҳафтанинг бир кунини кутубхонада ўтказаман. Гарчи мутолаасиз яшолмасамда, кироатхона руҳи, у ердаги гўзал муҳит оханрабо янглиг ўзига тортаверади. Таомилга кўра бу гал ҳам телефон ва унга қўшиб ҳамма ташвишларни ташқарида қолдирдимۇ ҳузурбахш макон – китоблар қаршисида сирли қалби билан ёлғиз қолишни севгувчилар сафига отилдим.

Бу галги танловим шоҳ ва давлат арбоби, улкан империя асосчиси Амир Темурнинг “Темур тузуқлари” (*Ғафур Ғулom номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, форсчадан Алихон Соғуниги ва Ҳабибулло Қароматов таржимаси, академик Бўрибой Аҳмедов умумий таҳрири остида, 1996 й.*) асари бўлди. Вожаб, 25 йил бурун ўқиганим бу мўъжазгина асар яна илк саҳифалариданоқ тафаккурга ундай бошлади. Соҳибқироннинг ўғитларини тағин теранроқ туйдим, гўзал тadbирлари, адолати ва халқпарварлиги, юксак ақл-заковатиға ҳавас қилдим ҳамда у қурган салтанат бежиз қудратли бўлмаганига қайта-қайта иқдор бўлдим.

Тасаввур қилинг, XIV ва XVI асрларни солиштирар эканман, қарийб етти юз йил аввалги давлатчилик асослари билан бугунги давр ўртасидаги уйғунлик, ўхшашликни англаб хайратга тушаман: **Амир Темур ва Шавкат Мирзиёев бошқарувининг давлатчилик стратегияси, ислохотлари мазмуни ва сиёсий фалсафа, айниқса, тадбиркорларга муносабатининг** жуда-жуда яқинлигига, буюк империядаги кўпгина қоидалар бугунги замонавий давлатчилигимизда ҳам яққол намоён бўлаётганига ғувоҳ бўлдим ва бундан faxрландим. Зеро, “Темур тузуқлари” шунчаки тарихий қўлланма эмас, балки стратегик бошқарувнинг мукамал моделидир.

Хўш, икки ҳукмдор бошқарувидаги яқинлик, во-басталик нималарда кўринади. Аввал шу жиҳатларга тўхталамиз.

1. “Куч – адолатдир” тамойили

Амир Темур давлат бошқарувининг пойдеворини адолат ва қонун устуворлиги ташкил этган. “Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тadbир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан амалга оширдим”, дея таъкидлаган буюк бобомиз ўз тузуқларида. Ҳозирги даврда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган “Инсон қадрини учун” тамойили ва суд-ҳуқуқ ислохотлари ўша қарашларнинг замонавий кўриниши, десак янглишармииз. Зеро, ҳар икки рахбар ҳам давлатнинг барқарорлиги бевосита адолатга боғлиқ эканига урғу беради.

2. Марказлашган давлат ва кучли вертикал бошқарув

Икки даврда ҳам давлат тарқоқликдан кучли марказлашув сари ҳаракат қилган. Темур тарқоқ вилоятларни бирлаштириб, ягона марказга бўйсунувчи қудратли империя тuzган. 2016 йилдан сунъ Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими қайта тартибга солиниди, ижро ҳокимиятининг масъулияти оширилди ва давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган қатъий талаб қўйилди.

3. Ташқи сиёсат ва минтақавий етакчилик

Амир Темур ҳам, Шавкат Мирзиёев ҳам Ўзбекистон ҳудудини халқаро сиёсат ва иқтисодиётнинг марказига айлантиришга, мамлакатининг транзит салоҳиятини оширишга интилган. Темур даврида Буюк Ипак йўлининг хавфсизлигини таъминлаб, Европа ва Осиёни боғловчи савдо йўллари назорат қилинган. Ҳозир эса Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қўшничилик сиёсати ва минтақавий интеграция ташаббуслари Соҳибқирон давридаги геосиёсий фаолликини эслатади.

4. Бунёдкорлик ва инфратузилма

Давлатнинг қудратини қурилиш ва ободончилик орқали намоён этиш – ҳар икки давр учун хос хусусият. Темур даврида Самарқанд, Шахрисабз каби шаҳарлар дунёнинг энг гўзал марказларига айлантирилган (Оқсарой, Бибихоним масжиди ва бошқа улкан иншоотлар). Бугун амалга оширилаётган улкан қурилишлар, “Tashkent City”, “Янги Ўзбекистон” ва бошқа ҳудудлардаги улкан бунёдкорликлар ва ҳудудлардаги замонавий инфратузилма ўзгаришлари... ҳамма-ҳаммаси азалий анъаналар давоми эмасми?

КЕНГАШЛИ ИШ ТАРҚАМАС

Буюк саркарда айтди: “Ҳар бир ишни кенгаш билан қилдим... Кенгаш икки турли бўлур: бири – тил учмида айтилгани, иккинчиси – чин юракдан чиққани”. Бу тамойил ҳозирги “Халқ билан мулоқот” ва қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикрини ўрганиш тизимига жуда яқин. Эътибор берайлик, давлат дастурларининг умумхалқ муҳокама-сига қўйилиши – “кенгаш” принципининг замонавий шакли эмасми?

Раҳбарнинг шахсий масъулияти ва қатъияти ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборни тортмай қўйилмайди. Темур бошқарувда иккиланган давлат учун зарарли деб ҳисобланган. “Бир ишни қилишга қасд қилганимиз, уни битирмагунча қўлингизни ундан тортма”, дея подшоҳнинг сўзи ва қарори қатъий бўлиши, вазирлар эса фақат маслаҳатчи бўлиши кераклигини уқтиради. “Адолат ва инсоф билан бандаларини ўзингдан рози қил. Зулмдан сақлан, чуқни зулм дунёни вайрон қилур ва подшоҳлик қирғинини ўчирур”, деган Амир Темурнинг бошқарув тизимида **интизом** ва **инсон омили** марказда бўлган. Шавкат Мирзиёев бошқарувида ҳам давлат органларининг эмас, балки инсоннинг манфати устувор қилиб қўйилди. Президентимиз илгари сураётган ижро интизими ва раҳбарларнинг шахсий масъулияти масаласи шунга ишора қилади: қарор қабул қилиндими, унинг ижроси албатта таъминланиши шарт!

Соҳибқироннинг “Куч – адолатда” тамойили бугунги кунда “Инсон қадрини учун” тамойили билан янгича мазмунда бойитилди. “Раяят (фуқаролар) аҳволидан хабардор бўлдим, улугларини оға ўрнида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим... Ҳеч кимга зулм қилмадим” дейди Темур ўз тузуқларида. Янгилаган **Конституциямизда (13-модда):** “Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”. Иккала ҳужжатда ҳам **давлатнинг асосий вазифаси инсон манфаатларини ҳимоя қилишдир.**

“Гуноҳи исботланмагунча ҳеч кимга жазо бермадим” дейди буюк саркарда. Бу ҳозирги юриспруденциядаги айб-сизлик презумпциясидир: “Жиноят содир этганликда айб-ланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча айбсиз ҳисобланади” (**Ўзбекистон Конституцияси, 28-модда**). Яъники, инсонни асоссиз айб-лаш ва қийноққа солиш қатъиян ман этилиши ҳар икки



эълон қилиниши – ўша анъаналарнинг ҳуқуқий давомидир.

Учинчидан, солиқ имтиёзлари ва рағбат тизими. Ҳар икки рахбар ҳам янги иш бошлаганларга нафас олиш учун вақт берган. Темур даврида кимки қаровсиз ерни обод қилса ёки янги ишлаб чиқариш бошласа, ундан **3 йилгача солиқ олинмаган**. Ҳозирда янги ташкил этилган корхоналар, айниқса, чекка ҳудудлардаги бизнес учун **кўп йиллик солиқ имтиёзлари ва пасайтирилган ставкалар** мавжуд.

Тўртинчидан, инфратузилма ва “Очиқ эшиklar” сиёсати. Тадбиркор учун йўл ва бозор бўлиши шарт. Темур даврида Буюк Ипак йўли бўйлаб юзлаб **карвонсаройлар** қурилган. Бу савдогарлар учун ҳам меҳмонхона, ҳам хавфсиз оմбор вазифасини ўтаган. Ҳозирда мамлакат бўйлаб **эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ва логистика марказлари** барпо этилмоқда. Қўшни давлатлар билан чегараларнинг очилиши ва транзит йўлаklари ривожлантириляпти.

Бешинчидан, бевосита мулоқот ва кенгаш. Амир Темур доимий равишда савдогарлар ва хунармандлар вакиллари билан маслаҳатлашган, уларнинг дардини эшитган. Шавкат Мирзиёев илк бор 2016 йилда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – **Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан президентликка номзодлик сайловолди дастуридаёқ, аввало, тадбиркорлар ва фермерларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, шу орқали мамлакат иқтисодини юксалтириш ҳамда халқ фаровонлигини таъминлаш** ташаббуси билан чиққан эди. 2021 йилдан бошлаб эса ҳар йили **20 август – Тадбиркорлар кун**ида соҳа эгалари билан мунтазам очиқ мулоқот ўтказиб келмоқда. Бунда муаммолар бевосита раҳбарнинг ўзига айтилади ва жойида ечим топилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар икки даврда ҳам **тадбиркор – давлатнинг устуни** сифатида қўрилган. Темур савдогарни “элни эл билан боғловчи элчи” деб қадрлаган бўлса, бугунги кунда тадбиркор “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкори” деб эътироф этилмоқда.

СОҲИБҚИРОН ТАДБИРКОРЛАРГА КРЕДИТ БЕРГАНМИ?

Амир Темур давлатни бошқаришда иқтисодий барқарорликка ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратган.

Хусусан, савдогар ва хунармандларни уч тоифага бўлиб, ёрдам кўрсатган:

сармоясидан айрилган савдогарлар, агар бирор савдогар ўз маблағини йўқотиб қўйса, унга давлат хазинасидан ўз ишчини қайта бошлаши учун **етарли миқдорда сармоя** берилган;

иши юришмаган тадбиркорлар, маблағи камайиб қолганларга ишчини юргизиб олиши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ёки хомашё олишга кўмак берилган;

чет эллик савдогарлар, бошқа давлатлардан келган савдогарларга бохжона имтиёзлари берилган ва уларнинг хавфсизлиги тўлиқ кафолатланган.

Дехқончилик билан шуғулланувчилар учун ҳам ўзига хос “кредит” тизими мавжуд эди:

илк ҳосилга кўмак, ташовр (қаровсиз) ерларни ўзлаштирган тадбиркорларга биринчи йилги ҳеч қандай солиқ солинмаган;

уруғлик ва озуқа, дехқонларга ерни ҳайдаш учун керакли уруғлик, бўйинтуруқ (иш ҳайвонлари) ва асбоб-ускуналар берилган;

суғориш тизими, давлат ҳисобидан янги каналлар ва ариқлар қазилиб, ернинг унумдорлиги оширилган.

“Агар бирон бир савдогарнинг сармояси қўлидан чиқиб кетган бўлса, унга хазинадан ўз ишчини юритиб олиши учун сармоя берилсин. Хунарманд ва қосибларга эса ишларини давом эттиришлари учун асбоб-ускуналар ва хомашёлар берилсин”. Англасиладики, Амир Темур иқтисодий тизимининг ўзига хослиги ва мақсади – фойда олиш эмас, балки аҳоли фаровонлиги ва давлат хазинасига солиқ тушумини таъминлаш бўлган. Унинг сармоялари натижасида тадбиркор ишчини ўнглаб олганидан сўнг, бўлиб-бўлиб қайтариш имкони бўлган, яъни ўзини ўнглаб олишга имкон яратилган.

Хўш, бу тизим бугунги замонавий **микрокредитлаш** ёки **грант** тизимимизга жуда яқин эмасми? Бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб, мамлакатда **“кучли тадбиркор – кучли давлат”** тамойили, хусусан, давлатнинг иқтисодий қудратини айнан ерга бўлган муносабат ва дехқонни қўллаб-қувватлаш орқали шаклланди. Давлат раҳбари дехқонни нафақат маҳсулот етиштирувчи, балки **стратегик тадбиркор** сифатида кўради.

Ҳозирда дехқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш тўлиқ молиявий институтлар ва рақамли тизимлар орқали амалга оширилмоқда:

имтиёзли кредитлар – пахта ва галла етиштириш учун йиллик **10 фоиздан 14 фоизгача** бўлган (инфляциядан паст) имтиёзли кредитлар берилади;

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури – дехқон хўжаликлари ва томорқа эгаларига гаровсиз ёки соддалаштирилган тартибда (маҳаллабай тизимида) кредитлар ажратилади;

лизинг тизими – замонавий техника (тракторлар, комбайнлар) дехқонларга узоқ муддатли лизинг (ижарага сотиб олиш) асосида берилади, бу Темур давридаги “бўйинтуруқ бериш” анъанасининг замонавий кўринишидир;

субсидиялар – сув тежовчи технологиялар (томчилатиб суғориш) ўрнатган дехқонларга давлат харажатларнинг бир қисmini қайтариб беради (қайтариб берилмайдиган молиявий ёрдам).

Ўзбекистонда янги ер ўзлаштирган, боғ яратган ёки тадбиркорлик бошлаган шахслар учун берилаётган имтиёзлар тизими Амир Темурнинг **“ташров ерларни обод қилганга солиқ имтиёзи бериш”** анъанасининг замонавий ва кенгайтирилган кўринишидир. Масалан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик бошлаётганлар учун давлат томонидан қатор қўллаб-қувватлаш чоралари мавжуд. Янги барпо этилган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар учун ушбу ерлар қатор ораларига экин экилганлигидан қатъи назар, **3 йил муддатга ер солиғидан озод қилинади**. Агар дехқон янги ерда томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш тизимини ўрнатса, давлат ҳар бир гектар учун **8 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача** харажатларни қоплаб беради. Янги ўзлаштирилаётган ерларга электр энергияси ва сув чиқариш учун насослар ўрнатиш харажатларининг бир қисmini давлат томонидан субсидия шаклида тўлаб берилади.

Янги иш бошлаётган шахслар учун гаровсиз ёки имтиёзли шартларда кредитлар берилади. Оилавий тадбиркорлик учун ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси билан йиллик 14 фоиз (имтиёзли) ставкада кредитлар ажратилади. Сармоя олингандан сўнг дастлабки **6 ойдан 1 йилгача** фақат фозизлар тўланади, асосий қарз тўлови эса кейин бошланади (бу тадбиркорга ишчини йўлга қўйиб олиш учун вақт ва имкон беради).

Муайян соҳаларда имтиёзлар янада кўпроқ. Жумладан: **хунармандчиликда** – “Хунарманд” уюшмаси аъзолари даромад солиғидан тўлиқ озод этилган; **пиллачилик ва қорақўлчиликда** янги хўжалик ташкил этганлар учун ер солиғи ва мулк солиғи ставкалари пасайтирилган, **туризм** – оилавий меҳмон уйларини ташкил этганлар учун солиқ ставкалари сезиларли даражада паст ва текширувлар бўйича мораторий амал қилади. Янги таҳрирдаги Конституция ва қонунчиликка кўра тадбиркорнинг мулкни дахлсиздир. Давлат органининг ноқонуний қарори натижасида тадбиркорга етказилган зарар давлат томонидан тўлиқ қопланади.

Бундан ташқари, савдо ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо чоралари сезиларли даражада юмшатилди. Иқтисодий жиноятлар учун қамоқ жазоси ўрнига жарима қўлланилди. Агар тадбиркор етказилган моддий зарарни тўласа, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди. 2017 йилги тарихий ислохот – валюта бозорининг эркинлаштирилиши (*Президентимизнинг “Валюта сисватини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 2 сентябрь, 5177*) билан савдогарларнинг ўз даромадларини эркин конвертация қилиш ва чет эл валютасида операциялар ўтказиш ҳуқуқи қонуний кафолатланди.

Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги кучайтирилди. Давлат раҳбарининг бир нечта фармонлари билан “снос” (биноларнинг бузилиши) ва ер участкаларини олиб қўйиш тартиби қатъийлаштирилди. Эндиликда тадбиркорнинг мулкини жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат **суд қарори** ва **олдиндан компенсация** тўлангандан кейингина амалга оширилади. Хусусий мулк дахлсизлиги Конституциянинг янги таҳририда алоҳида мустақкамланди.

Бундан ташқари, ҳокимларнинг тадбиркорларга тегишли қарорлари е-қарор – очиқ тизимга жойлаштирилиб, уларнинг қонунийлиги Адлия вазирлиги томонидан текширилади. Савдогарлар учун рухсатнома ва лицензиялар олишдаги бюрократияга чек қўйилди, инсон омилсиз рақамли тизимга (*Давлат хизматлари маркази*) ўтказилди...

ИККИ ДАВР – БИР МАҚСАД

Хулоса эса битта: Амир Темурнинг “Темур тузуқлари” ва Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг янгилаган Конституцияси, ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис ҳамда Ўзбекистон халқига йўлланаётган Мурожаатномалар, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси каби дастурлар орасида ҳайратланарли ўхшашликлар мавжуд. Қувонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистоннинг пойдевори буюк ва қудратли боболаримизнинг давлатчилик анъаналаридан ибратланиб, улуғ мақсадларга эришиш нияти билан қўйилган.

Янги Ўзбекистонда янгилаган Конституциямиз асосида олиб борилаётган ижтимоий-ҳуқуқий эври-лишлар ва қонунларимиздаги қўллаб нормалар аслида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ва Амир Темур даврида шаклланган давлатчилик анъаналарининг замонавий ҳуқуқий тил билан ёзилган кўринишидир. Улуғлардан рухланган ҳолда бошланган хайрли ишларнинг натижасини эса ҳаммамиз қўриб турибмиз!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



ДЕПУТАТ СЎРОВИ – ХАЛҚНИНГ ОВОЗИДИР

Президентимиз ўтган йилнинг 26 декабрида Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида “Бундан буён депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилади”, дея депутатлик сўрови ва парламент назорати масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Эндиликда нафақат сўров юбориш, балки унинг сифати ва натижадорлиги, керак бўлса жавобгарликни оширишга ургу берилмокда.

Бундан кўзланган асосий мақсад ижро ҳокимияти (вазирлик ва идоралар) фаолияти устидан тизимли назорат ўрнатишдир. Сир эмас, илгари кўлаб сўровлар юзак ҳарактерда бўлиб, уларга берилган жавоблар ҳам кўпинча расмийлик учун ёзилар эди.

Янги тахрирдаги Конституция ва қонунчиликка асосан, депутатлик сўровига жавоб бермаслик ёки кечиктириш учун жавобгарлик қўйилтирилди. Эндиликда давлат органлари раҳбарлари депутат сўровига шахсан жавоб бериши ва унда кўтарилган масалани ижобий ҳал этиш чораларини кўриши шарт.

Депутатлик сўровлари ва уларга келган жавобларни рақамлаштириш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу сайловчиларга ўз депутати қандай ишлаётганини кўриб туриш имконини беради.

Ўрни келганида эътироф этиш жоизки, бугунги кунда Олий Мажлис энг кучли парламентларга хос бўлган барча назорат ваколатларига эга. Хусусан, 2023 йилдан буён таъкид қарз микдорини парламентимиз белгиллаб келмокда. Энди давлат кафолати остида ташқи қарз олиш масаласини маъқуллаш ҳам парламент ваколатига ўтказилмокда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги ҳамда маҳаллий кенгашлардаги аъзолари сайловчиларни қийнаётган муаммоларини ҳал этиш, ўз электорати бўлган тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, очиклик ва қонунийликни таъминлаш йўлида тизимли ишларни изчил давом эттирмокда.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан 2025 йил давомида **мансабдор шахсларга 6 та парламент сўрови**, шунингдек, сайловчилар мурожаатлари асосида 36 та депутатлик сўрови юборилган эди. Фракция ташаббуси билан 2 та парламент эшитуви ўтказилди. Жумладан,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. О'zLiDeP фракцияси аъзолари ўз сайловчилари билан 2 786 та учрашув ўтказди. Уларда 65 419 нафар аҳоли, шу жумладан, 14 903 нафар тадбиркорлик субъекти вакиллари қамраб олинди.

Ховослик ФЕРМЕРЛАР ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда Сирдарё вилояти Ховос туманидаги фермер хўжаликларининг ер майдонлари ноқонуний олиб қўйилаётгани ҳақидаги хабарлар кенг жамоатчилик эътирозига сабаб бўлди. **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги қўмитаси аъзоси Рискул Сиддиқов** мазкур муаммо юзасидан **вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовга** депутатлик сўрови юборди.

“Маълумотларга кўра, прокуратура, ички ишлар, мажбурий ижро, солиқ ва бошқа идоралардан иборат ишчи гуруҳлар фермер хўжаликлари раҳбарларининг уйларигача бориб, ижро ҳужжатларисиз уларнинг шахсий мол-мулкни хатлаб, ердан воз кечиш ҳақида мажбурий ариза ёзиш талаб қилаётганлиги, уни рад этган фермерларга нисбатан агроинспекция орқали текширувлар ўтказилаётганлиги билдирилган. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, ер участкасини ёки унинг бир қисmini олиб қўйишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши белгиланган. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси

талабига кўра, ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Ховос туманида олиб борилаётган тадбирлар қонуний асосларсиз, огоҳлантиришларсиз амалга оширилиб, фермерларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиб, соҳадаги қонун устуворлигига жиддий путур етказган”, дейилади сўровда. О'zLiDeP фракцияси аъзоси юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, ушбу масала юзасидан аниқ ва асосланган маълумотлар асосида жавоб беришни сўрайди.

Демак, бу муаммонинг Қонунчилик палатаси даражасида кўриб чиқилаётгани сиёсий кучнинг фермер ва тадбиркорлар манфаатларини изчил ҳимоя қилаётгани тасдиғидир. Партия фермерлар фаолиятига асоссиз арашувларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш тарафдори эканини амалда кўрсатишмоқда. Зеро, ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва улар учун барқарор ҳамда очик ишбилармонлик муҳитини яратиш етказки кучнинг Сайловолди дастурида белгиланган муҳим устувор йўналишлардан биридир.

Шовот деҳқон БОЗОРИ ҚУРИЛИШИ ҚАЧОН БИТАДИ?

Бозорлар ва савдо майдонларида яратилган шароитлар яхши, йўллари равон ва озода бўлса, халққа ҳам, тадбиркорга ҳам роҳат. Аҳл халқнинг кунни бозор-учарсиз ўтмайдиди.

Аммо, Шовот тумани Роят маҳалласида кўчаларнинг носоз ҳолати ва қурилиши хануз тугалланмаган деҳқон бозори аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун қийинчилик туғдирмокда. Ёмғирли кунлари лой, қуруқ пайтда эса чанг кўпади. Ўз навбатида бундан аҳоли ва бизнес вакиллари норози.

Мазкур ҳолатлар юзасидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Мадина Баратова** Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимовга депутатлик сўрови юборди. Унда йўл қу-



О'zLiDeP депутати ховослик фермерлар муаммоларини бартараф этиш бўйича сўров юборди

рилиши ва бозор билан боғлиқ масалаларнинг нега ҳал этилмаётгани қонунчилик талаблари асосида сўралди.



О'zLiDeP депутати Шовот аҳолиси ва тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал қилишни талаб қилди

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида енгил конструкцияли савдо дўконлари бузилиши ҳақидаги маълумот ҳам Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатларни бефарқ қолдирмади. **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси Отабек Мусуринов** Сирдарё вилояти ҳокимига депутатлик сўрови юборди. Унда мулкни давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат суд қарори ва компенсация тўланганидан кейин амалга оширилиши кераклиги қонун нормаларига таяниб қайд этилди. Бузиш ишлари-

нинг ҳуқуқий асослари ҳамда тадбиркорларга нисбатан қўлланган чоралар бўйича аниқ тушунтиришлар сўралди.

Ҳозирда сўровларда кўтарилган муаммоларнинг одилона ва ижобий ечими акс этган жавоблар кутилмокда. Дарҳақиқат, Президент таъкидлаганидек: “Депутатнинг овози – халқнинг овози. Сўров юборилгани, демак унга асосли ва ечимга қаратилган жавоб бўлиши шарт”!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан Қарши шаҳридаги Ахборот технологиялари ва менежменти университетиди “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” лойиҳаси доирасида очик мулоқот ташкил этилди.



Ёшларнинг инновацион ғоялари, замонавий билим ва кўникмаларини қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ўтказилган тадбирда партия вилоят кенгаши

эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришдан иборат, – деди **О'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими** мудири **Азиз Аҳмадов**. –

ИННОВАЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА

раисининг жамоатчилик билан алоқалар ва мафкуравий масалалар бўйича ўринбосари Тоҳир Қурбонов, университет ректори Абдумалик Бердиев, партия фаоллари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба ёшлар иштирок этди.

Мулоқотда ёшларга маҳаллий маҳсулот тайёрлашни ривожлантириш, сифатли ва ҳажон бозориде рақобатлаша оладиган товарлар ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари ва менежмент соҳаларида яратилаётган имкониятлар, маҳаллий

Бу орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, импортига қарамликни камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий секторни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Инновация, рақамлаштириш ва илмий йутукларни ишлаб чиқаришга жорий этиш эса маҳсулотларни халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилади. Пировард мақсад – “Made in Uzbekistan” брендини халқаро миқёсда танитиш, маҳаллий маҳсулотларнинг сифати, ишончилиги ва рақобатбардошлигини намоён этиш орқали мамлакатимиз ижобий имижини мустаҳкамлашдан иборат.

Очик мулоқотда сўзга чиққан талаба ёшлар иқтисодий ўсиш, инновацион ривожланиш ва халқ фаровонлигини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга бўлган ушбу лойиҳада фаол иштирок этишга тайёр эканлигини билдирдилар. Шунингдек, тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш, замонавий билимлар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилма, жой ажратиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот қизғин савол-жавоблар, таклиф ва ташаббусларга бой руҳда ўтиб, ёшларнинг келгусида тадбиркорлик ва инновацион фаолиятга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири



корхоналарни қўллаб-қувватлаш, инновацион технологияларни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда “Made in Uzbekistan” брендини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

– “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” лойиҳасини амалиётга тадбиқ этишдан асосий мақсад маҳаллий продукция тайёрлашни ривожлантириш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, замонавий технологиялар асосида юқори қўшимча қийматга

БУНЁДКОРЛИК

Ҳар бир иншоот – эл учун

Аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий инфратузилмани мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудларни барқарор ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда юртимизда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил равишда ҳаётга татбиқ этилмокда. Айниқса, ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларни қамраб олган лойиҳалар аҳоли ҳаёт сифатига бевосита ижобий таъсир кўрсатаётгани билан аҳамиятлидир.

Шу йўналишда Фарғона вилоятининг Куvasой шаҳрида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида муҳим ижтимоий объектлардан бири – Марказий шифохона ҳудудида гинекология бўлими учун қўшимча, замонавий талабларга жавоб берадиган янги бино қурилиши жадал суръатларда олиб борилмокда. Ушбу иншоот фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда кўп йиллик тажрибага эга бинокор Фаррух Маҳмудов раҳбарлигидаги “Chimyon Gidro Stroy” МЧЖ қурувчилари юқори масъулият, фидойилик ва касбий маҳорат билан меҳнат қилишмокда. Қурилиш ишлари иш юритувчилар



– Нодирбек Мамажонов ҳамда Худоберди Маҳмудов бошчилигида белгиланган замонавий меъёр ва талабларга қатъий риоя этилган ҳолда бажарилмокда.

Шунингдек, ушбу аҳил жамоа Қўштепа тумани Шодлик маҳалласида аҳолининг дам олиши, маданий тадбирлар ўтказилиши учун мўлжалланган, замонавий архитектура ва қулайликларга эга янги амфитеатр биносини барпо этди. Мазкур иншоот маҳалланинг маданий ҳаётини янада жонлантириб, аҳоли учун янги ва замонавий жамоат маскани сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Худудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш борасидаги ишлар ҳам тизимли равишда



Суратда: “Independent broker” ХК раҳбари Илҳом Атажонов ва иш бошқарувчи Отабек Разумов

амалга оширилмокда. Хусусан, Учкўприк тумани “Оқсув” МФЙ ҳудудидаги Қўрғонча ва Тўқай қишлоқлари, шунингдек, “Бегобод” МФЙда жойлашган Тегирмонбоши ҳамда Мустақиллик кўчаларидаги мавжуд ички йўллар лойиҳа асосида тўлиқ асфальтлаштирилди. Ушбу хайрли ишлар “Фарғона минтақавий

йўлларга буюртмачи хизмати” унитар корхонаси буюртмасига асосан Илҳом Назаров бошчилигидаги “I.Ch-maxsulot” МЧЖ йўлсозлари томонидан қисқа фурсатда, белгиланган талабларга мос равишда бажарилди. Маҳалла ахли яратилган қулайликлардан мамнун.

Фарғона шаҳрида эса рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилмокда. “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки” (IT Park) филиали доирасида Digital Park ташкил этиш ишлари жадал давом этмокда. Лойиҳа асосида мавжуд тўрт қаватли бино тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий IT марказга айлантирилмокда.

Қурилиш ва реконструкция ишлари тажрибали қурувчи Илҳом Атажонов бошчилигидаги “Independent broker” хусусий корхонаси томонидан амалга оширилмокда. Айни кунларда бинокорлар объектни фойдаланишга тайёр ҳолатга келтириш ишларини кунига етказиш арафасида.

Қарийб 40 миллиард сўм маблағ йўналтирилган ушбу лойиҳа IT резидентлари, стартаплар ҳамда ёш мутахассислар учун замонавий, қулай ва инновацион иш муҳитини яратишни мақсад қилган. Digital Park ҳудудида офис хоналари, coworking зоналар, стартап студиялари, ўқув хоналари, шунингдек, компьютер технологиялари, робототехника, рақамли ечимлар ва мультимедиа йўналишларини қамраб олган замонавий лабораториялар фаолият юритади.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари ва ислохотлар инсон манфаатлари ҳар доим устувор эканини яна бир бор тасдиқлаб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмокда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

ЯЛДО КЕЧАЛАРНИ ЁРИТГАН РОМАН

Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султон томонидан катта меҳнат, машаққатли изланишлар эвазига бунёд бўлган ушбу муҳташам асарни шундай баҳолаш мумкин.

Ўтган йилнинг охирида жамоатчилик орасида йилнинг энг яхши адабий воқеалиги (асари) сифатида баҳоланган, аввалига муаллифи айтилмасдан, айрим бўлимлари “Жаҳид” ва “Хурият” газеталарида эълон қилиниб шов-шувларга сабаб бўлган, сўнгра 21 декабрь куни тақдироти ўтказилган “Ялдо кечаси” китобининг бадий-тарихий аҳамияти ҳақида мана бир ойдан буён матбуот саҳифаларида, шунингдек, телевидение, радио ва интернет сайтларида, қолаверса, ижтимоий тармоқларда қатор материаллар эълон қилинмоқда.

“Ялдо кечаси” тарихий, реалистик роман. Ёзувчининг кўп йиллар мобайнида архив ва фондлардан мисқоллаб йиққан тарихий ҳужжатлар асосида маърифат фидойилари, жаҳид алломаларимизга юксак ҳурмати ва эҳтиромни рамзи сифатида яратилган. Ушбу асар “Ўткан кунлар” романининг мантиқий давоми. Китобда Отабек ҳаётининг сўнгги даври, унинг ўғли Ёдгорбек ҳамда неваралари Озодбек ва Одилбек қисмати ўша давр тарихий воқеалиги фонида тасвирланган. Таниқли адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, ёзувчи бу асарни “адабий мистификациядан фойдаланган ҳолда, “Ўткан кунлар”нинг иккинчи китоби тарзида ёзди: буюқ Қодирий номидан, Қодирий бўлиб ёзди”.

“Ялдо кечаси” романи ҳар қандай ўқувчининг қалбини ларзага солади. Яқин ўтмишнинг энг мураккаб давлари ҳақида ўйлашга ва хулоса чиқаришга ундайди. Китобхонни беихтиёр тарих билан юзлашишга, “мозийга боқиб иш тутмоқликка” қорлайди. Асарда XIX-XX аср кесилувидаги паллалар, юрт мустамлакага айланган, элнинг холи ночор чоғлар, жамиятнинг умумий ҳолатига кўзгу тутилса, дилни ўртайдиган манзаралар ўзига хос юксак поэтик образлар воситасида ёритилади. Мураккаб бир вазиятда яқдил мақсад йўлида бирлашган миллат фидойиларининг орзу-истаклари ва аччиқ қисматлари бетакрор услуб ва маҳорат билан ифодалаб берилди.

Адабийшунос олим, профессор Баҳодир Каримов қайд этганидек, “Ялдо кечаси” миллий озолиқ ҳаракати намояндалари ҳаётини акс эттирган янги образлар ва уларнинг янги-тавланлари билан қадри”. Хусусан, асарда Ёдгорбек ва унинг икки фарзанди – Озодбек ва Одилбек, Зумрад биби, уста Алим, жадид Нусратхон тўра, Дадахон муаллим, Мақсуд понсад, Ҳайдар Бурҳон, Ойинса кўрбоси каби қаҳрамонлар тақдир орақли Туркистон халқлари ижтимоий ҳаёти, бошига тушган кўргуликлар, жудоликлар очиб берилди. Тарихий ва тўқима образлар орақли муаззам бир адабий майдон яратилиб, яхлит асар вужудга келган. Роман салкам бир асрлик даврни қамраб олади.


“Ялдо кечаси” романи моҳиятига кўра, инсон ўтмишда эришилган ютуқлардан фойдаланиб, йўл қўйилган қамчиликлардан хулоса қилиб яшаши зарур. Шулардан даврида халқимиз оғир кунларни бошидан кечирди. Ўша маҳаллари барча ҳудудларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам сиёсий қатағонлар авж олиб, кўпплаб юртдошларимиз ноҳадан жазога тортилди. Энг аянчлиси, ноҳадли тузум, ҳукмрон мафкура боис қатағон қурбонларининг номи узоқ вақт давомида қораланди,

уларнинг оила аъзоларига нисбатан ҳам маломат тошлари отилди. Фақат мустақиллик йилларидагина республикамизда адолат қарор топиб, ноҳаддан қатағон қилинган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, хотираларини абадийлаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширила бошлади.

“Ялдо кечаси” қаҳрамонлари оғир-босиқ ва қайғули. Қалбини миллат дарди, Туркистон қайғуси кемириб турган инсонлар сифатида майдонга чиқди. Улар аввал Чор Руссияси, кейин эса шўролар истибдоди давридаги энг узун ва маҳзун, зулматли тун – Ялдо кечасида, мустамлака зулми остида оғир ва изтиробли ҳаёт кечириди. Улар ҳуррият истади ва бу йўлда шахид бўлишга ҳам тайёр. Романда Одилбек тилидан айтилган мана бу хитоблар айна шу ҳақиқатни исботлайди: “Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим. Валлоҳу, биллоҳу, тааллоҳу! Мен ким шахид Ёдгорбекнинг ўғли, шахид Отабекнинг набираси Одилбекдирман, Аллоҳнинг калами, иймонимни ўртага қўйиб онт ичман: ота-боболарим хоки ёткан, бир кун ўзим ҳам бориб ётадирман, шу туфрoқ учун, миллат, диним учун, душманга қарши сўнгги қатра қоним қолгунча курашман. Бу йўлда шахид ўлмоққа тайёрман”.

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, жамиятдаги феодал қолоқлик уч ўзбек хонлигининг ғарблик мустабидларга қарам бўлишига олиб келгани сабаб мамлакатда озолиқ кураши асосий ижтимоий дастур ҳисобланарди. Миллий мустақилликка эса жаҳолатдан қутулгандагина эришиш мумкин. Бунинг учун жамиятдаги мавжуд тузумни тубдан ислоҳ қилиш лозим эдики, шундай тараққийпарварлар қотиб қолган, даққи қулар, яъни “қадим” (эски) ларга қарши турувчи “жаҳид” (янги)лар сифатида майдонга келди.

“Ялдо кечаси” романида қаламга олинган даврда жаҳонда илм-фан юксалиш сари шиддатли тус олган. Уқуқлар сомаго, кемалар уммонга қараб интилаётган, санъат ва адабиётда кескин инқилоблар кечаётган, инсон қўли маданий жараёнлардан тортиб, ҳарбий ҳаракатларни-да янгидан-янги қуроллар билан таъминлашга киришган кезлар. Қачонлардир жаҳонни титратган, лолу хайрон этган жаҳонгир ва мутафаккирларни берган Турон ўлкасида, афсуски, вазият бунинг буткул акси эди. “Ялдо кечаси” катта қўламдаги архив ҳужжатлари, жадид матбуоти материаллари ҳамда маърифатпарвар жадидлар асарларининг олимларимиз томонидан амалга оширилган нашрларини синчилаб мутлолаа қилиш, наинки ўқиб-ўрганиш, ижодкор қалби ва тафаккури чиғириғидан ўтказиш натижаси



ўларoқ юзага келган. Муаллиф, таъбир жоиз бўлса, тоғдек улкан масъулиятни зиммасига олган. Тасаввур қилиш қийин бўлган даражада заҳматли ишни амалга оширган. Роман қарийб олти йиллик узлуқсиз меҳнат самараси ўларoқ яратилган.

Асар сюжети “Ўткан кунлар” хотимасидаги қисқа тафсилот асосига қурилган. “Ёзувчидан” сарлавҳаси остида кичкина ахборот тарзида берилган маълумотномага таяниб бутун бир роман яратилган. Отабекнинг зуриёди Ёдгорбек ва унинг фарзандлари Озодбек ва Одилбекнинг тақдирини мисолида ўша давр ҳаётини кенг қўламда тасвирлайдиган ўзбек адабиётида мутлақo янги, оригинал асар пайдо бўлган. Унда эл-юртимизнинг бундан бир ярим аср аввалги изтиробли тарихи мужасам.

Муаллиф “Ялдо кечаси” қаҳрамонлари ҳаётда борлигини, ҳатто кўпчилиги билан учраганини, ўтиб кетганларнинг қабрларини зиёрат қилганини алоҳида қайд этади. Роман учун кўп йиллар мобайнида йилгилар архив материалларини айна пайтда Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига топшираётганини таъкидлайди.

Кўп йиллик ижодий фаолияти давомида Абдулла Қодирийни ўзига маънавий пир деб билиб, қалам тебратиб келаётган таниқли ёзувчи Хайриддин Султон услубида Қодирий ҳос нуктадорлик, тарихийлик, образлилик, рамзийлик, урф-одат ва аъналар, ўйноқи сўз, хатлар, мотивлар, тиниқ тасвир ва халқона иборалар, мақолу маталлар намоён бўлади. Асарни ўқир экансиз, ёзувчи сарлавҳа танлаш бобида ҳам тенгсиз маҳоратга эгалигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз.

Алоҳида қайд этиш лозимки, “Ялдо кечаси” асари мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган очиклик ва эркинлик сиёсатининг ама-

лий ҳосиласи сифатида дунёга келган бўлиб, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанга, мустақиллик ғояларига садоқат руҳини ёш авлодга сингдиришдек эзгу мақсад-муддаоларни ўзида ифода этиши билан қадрлидир.

Асарнинг бадий-эстетик қиммати яна шундан иборатки, Ватанимиз ва халқимиз ҳаётининг энг мураккаб ва зиддиятли Русия мустамлакаси замони воқеалари миллий насримизда қўрилмаган услубда – адабий мистификация, ўзига хос бадий интрига тарзида ифодалаб берилган. Ўқувчи қалбини ларзага келтирадиган жуда кўплаб воқеаликлар баён этилган. Очарчилик балоси, қўшнинг қозонини сўраб олиш ва шу қозонда қолиб кетган чақалоқнинг оёқ суякларини. Оиласи бошига тушган мислсиз мусибатни кўтара олмай тўшакка миҳланган Зумрадбиби. Ёдгорбекнинг жадидона фаолияти ва жасорати. Маъсума Сўйиманиннг отиб ўлдирилиши. Озодбек ва Одилбек ўртасидаги ғоявий кураш ва ҳақиқий жанглар... Бундай мисолларни яна кўпплаб келтириш мумкин.

“Ялдо кечаси” қаҳрамонларнинг мақсади юксак. Улар оила, рўзгор каби кундалик тирикчиликларни кўп ҳам ўйламайди. Фақат эл-юрт озолиғи учун қайғуради. Ёдгорбек “Ахир, бу кунларда Оврупо халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, овруполилар денгиз остида сўраб экан, бизда узун ва қисқа кийим жанжаллари, аларнинг шаҳарлари иликтрик билан ёритилур ва иситилур экан, туркистоний аҳли донишлар орасида тўй кўни қўйни келин келишидан аввал ёки кейин сўйган жоизми... деган ихтилофлар ҳануз давом этаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку”, деб куюнади ва Остроумовга ёзган хатида “халққа муҳаббат, зулмага адоват, фисқу фужурга нафрат, риё ва зарпарастликка хусумат”ини ошкор этади. Бу жонсўзлар юракни титратади, қалбларни

уйғотади. Ҳатто “Нажот” газетасининг 31-сонида эълон қилинган мақоласидаги “Бизлар ҳеч кимга ҳушомадгўйлик қилмаймиз ва ҳеч кимдан қўрқмаймиз. Бизлар виждон ва ному-симизни пулга сотмаймиз. ...Тўғрилиқ йўлида бўхтон, ҳибс, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмаймиз. Тўғрилиқ ва муқаддас маслагимиз йўлида қурбон бўлмоқни ўзимиз учун шараф деб биламиз!” деган сўзлари Туркистон эрларининг жасоратини намоён этади.

Асарда синовлар, фитналар бора-бора ака-ука Озодбек билан Одилбек ўртасига ҳам низо солиши ва бутун бир оиланинг, оталари бек бўлган Туркистон болаларининг тарқoқ, йўқ бўлиб кетишига олиб келганлиги тасвирланган.

Романда миллатнинг яқин тарихига назар солиниб, Ватанга муҳаббат, юртни озоод қўриш истағи тараннум этилган. Ростлиқни даъво қилаётган ёлғонлар фoш қилинган. Асар киши руҳиятини поклайди. Кишини фикрлашга ундайди. Йилғатади, аччиқ-аччиқ қулдиради...

Ялдо кечаларни шабибон этган,
Бир кечада қўлни гулистон этган,
Бошимга мушкул тушубдур, осон этгил,
Эй барчанинги мушқулин осон этган.

Хайриддин Султон роман муқаддимасида ёзишча, “кимда-ким бу рубойини етмиш мартаба айтса, Оллоҳ мушқулини осон қилар экан. Ҳазрат Амир Темуру шу ўғитга амал қилиб, Анқара ёнидаги жангда Йилдириш Боязид лашкари устидан зафар қозонган. “Ялдо кечаси”ни ёзиш чоғида мен ҳам ушбу рубойини каломи ихлос билан қайта-қайта ёд айтиб юрдим ва беҳад шуқурлар бўлсинким, Яратганиннг ўзи йўлимни очиб берди”.

Ушбу битикларни ўқиш асносида биз ҳам ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг ҳикматли рубойисини етмиш мартаба ёд айтишни дилга тугдик, шояд ўқиган ва англаганларимизни оилтарам ўқувчиларимизга етказишда манфатли бўлғай! Асарнинг ҳар бир ўзбек хондонига қариб боришига ва севиб мутлолаа этилишига ишонамиз!



Шухрат ХАЙИТОВ,
филология фанлари доктори

...Тўрт йил деганда ўқишга кирганман. Ҳужжат топшираётганимда мақолангиз кам-ку, филологияга топширинг, уям журналистикага яқин, дейишганда, майли, бир йилим қуйса қуяр, барибир журналистикада ўқийман, деб туриб олганман.

Мақолаларимни туман газетасида чиқариш, иш ўрганиш учун ҳатто ўша жойда фарош бўлиб ишлашга рози бўлганман. Бу, албатта, ёш қизнинг ҳамиятига текканки, ҳали ҳеч ким ўша келмасидан аввал ташқаридаги кранда поллатгани юваётганда, у ёқ-бу ёққа аланглаб, ўзини ичкарига урган. Шундай ҳолатда ҳам журналист бўлиш истағи ҳамма нарсадан устун бўлган.

Тўғри, бу соҳада азалдан бошқа факультетларда ўқигану ёзишни эплаганларам ишлаган. Улар орасида журналистика принципларига хиёнат қилмасдан, юксак даражага эришганлари ҳам бор. Лекин мен афсуслар бўлсинки, айнан хув ўша замонлардаям журналистикани даромад манбаи деб, қаердан бўлса-да, пул ундиришни қўйиллатганларнинг аксарияти айнан ана ўша бошқа жойда ўқиганлар эди. Билганим, уларнинг нечаси ё урилиб кетди, ё бошқа соҳага ўзини урди...

ЖУРНАЛИСТ БИЛАН “ЖУРНАЛИСТ”НИНГ ФАРҚИ БОР!

Ҳақиқий журналист воқелик, ҳолат ва мурожаатларни қандай таҳлил қилишни билади, факт ва далиллар билан ишлашдан аввал ҳолисликка қайлиб риоя қилади. Ҳуқуқий мақомга эга виждонли журналист, мухбир қасбини даромад манбаи деб билмайди ёки одамларнинг дардини, муаммосини ёритгани учун интернетда хайп қилишни, бунинг эвазига пул олишим керак, деб ўйламайди. Кузатаётганимиздек, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда вайсақилик қилаётган ва дуч келган идорага кириб, кўкрагига мушлаганча “Мен фалон ОАВ (аслида қонуниймикан, у томони жумбоқ) мухбириман, журналистиман”, деяётганлар билан ўз бурчини ҳалол бажараётган фидойи касб эгалари ўртасида еру осмонча фарқ борлигини аксар одамлар ажратолмай қолгани ачинарли эмасми?

Профессионал журналист ҳеч қачон бирор ташкилот ё маҳкама эшигини тепиб кирмайди ва ваколатини суистеъмол қилиб, қўпол муомалада қилмайди, аксинча, қўлидаги исбот талаб қилмайдиган далил, ҳужжатлар билан, анави, шантажликни касбга айлантирган ва қандай бўлмасин пул ундиришга уринаётганлардан кўра кўпроқ муаммоларга ечим топади.

Яширмаймиз, бугунги кунда мамлакатимиздаги бир нечта олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган журналистика факультетларини битириб келаётганлар орасида сўз масъулиятини билмайдиганлар, муқаддас касбига хиёнат қилаётганлар, қонунларни писанд қилмаётганлар йўқ дейсизми? Афсуски, улар бу соҳага адашиб кирганлардир. Асл журналист ҳамма соҳага кириб бора олади. Ҳар қандай мавзунинг ёритишдан аввал ўша масалани пухта ўрганади, тарафлар билан мулоқотга киришади, ҳеч бир томонга ён босмайди, оқловчи ё қораловчилик қилмайди, АДОЛАТлилик позициясидан чекинмайди. Журналистнинг вазифаси фақат уйсизга уй олиб бериш, ишсизга иш топиб бериш билан белгиланмайди. Унинг бурчи айнан ўша уйсизлар ва ноҳақликлар қамалиши учун жамиятини уйғота оладиган мақолалар ёзиш ва фуқаролар дунёқарашини ўзгартиришдан иборат. Билан, орамизда шундай ҳамкасбларим борки, улар ўзлари билмаган ҳолда жуда катта миссияни бажараётир...

Шахсан мен одамларнинг аввалги ва кейинги тафаккури, дунёқарашларини ўзгартириш учун ҳам бу соҳага тақдирини боғлайман деган инсон, албатта, журналистика соҳасида

ўқиши ШАПТ деб ҳисоблайман! Тўғри, баъзан журналист-мухбир ҳам адашиши, хато қилиши мумкин ва таъқибга учрашдан қафолатланмаган.

Масалан, ўзимдан қиёс. Эсласангиз, “Сардоба тошқини” ковид авж олган даврга тўғри келиб қолган, ҳаммаёқ бекитилган, ўтиш мумкин бўлмаган пайтда мен хайвон қутқарувчи волонтерларга қўшилиб, Сирдарёга борганман. У ерга жўнатилаётган хайрия ёрдамлари ноҳақ тарқатилаётганини суриштириб, ҳали ҳеч ким бирор ОАВда ёритмаган пайтда, ўзим ишлаётган сайтда кўтариб чиққанмиз. Ушунда бизга ҳеч ким таъйиқ, зуғум ўтказгани йўқ. Аксинча, прокуратурадан телефон қилишиб, аниқ фактларни сўраб, қайтагина шу муаммони жиддий назоратга олишган. Ёки бева, уйсиз икки боласи билан қийналаётган хоразмлик аёл ҳақида Танзила Норбоевага сайтимизда очинг хат шаклида мақола берганимизда, аниқнинг ўзи мен билан боғланиб, ўша муштираб онага икки хонали уй учун пул ажратишда амалий кўмак берган эди...

Ҳозир ҳам мамлакатимиздаги ОАВда касбига содиқ, эл-улус манфаати йўлида виждонига терс бормайдиган жонқуяр касбдошларим кам эмас. Улар орасида ҳозирги та-

содифан бир юмалаб, журналист ё мухбир қиёфасига кириб, содда, ишонувчан юртдошларимизни алдаб, авраб юрган ижтимоий тармоқларнинг “кунда-шунда”лари каби шахсий манфаат кетидан қувиб юрганлари йўқ. Балки ўзининг адолатпешалиги, ҳолислиги ортидан оиласи, рўзгорини тебратиб, ижодий жамоасининг шаъни, обрўси учун жон қўйдириб, халқ меҳрини қозонаётган (турли мавзуларга оид мурожаатлар баҳонасида одамлар ишончини суистеъмол қилаётганларнинг) бу соҳага муқома бегоналигини ҳам унутмайлик) ҳалол қаламкаш дўстларим, мушладан, жонфидо блогерлар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Оддий ҳақиқат шу: журналист халқи бугун англаши керак, бир-икки муаммони ҳал қилиш ёки ўткинчи шов-шувлар кўтариш билан жамият ривожланмайди, аксинча, аҳолининг онгини, қарашларини ўзгартирадиган ТАҲЛИЛИЙ чиқишлар сув ва ҳаводек зарур. Атрофдагилар ҳам энди журналист билан “журналист”ни фарқлайдиган замон келганини англаб етсин.

Барно СУЛТОНОВА,
журналист

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-ўй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси 41-ўй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 0145

Адади: 6027
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 21:20

Тахририятга келган кўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфхон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ